**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ**

# ҚИЁМАТ

**Роман**

*Рус тилидан Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси*

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1989

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### I

Қишнинг қисқа куни нораста нафасидай бирпасгина илиб турди-ю, тоғларнинг кунгай бетларида кўп ўтмай ҳавонинг авзойи бузилди, музликлардан совуқ шамол изғиди, дараўнгирларга эрта тушган хуфтон қоронғилиги шитоб билан ёйилди, қор-қуюнли кечанинг изғирин совуғи турди.

Теваракка қалин қор тушган. Табиатнинг бебош хоҳишига кўра, худди тўрт томонга ўт кетгандай бундан икки кун бурун тўсиндан қаттиқ қорбўрон қутуриб ўтган, Иссиққўл тоғ тизмалари қор кўрпалари билан қопланиб ётарди. Тоғлар қора қуюн ичра ғойиб бўлди, осмон кўздан йўқолди, атроф-жавониб кўринмай қолди. Сўнг сукунат чўкди, ҳавонинг ранг-рўйи очилди. Ўшандан буён қиш бўрони тиниб, ўнгу сўли жами қор забтида қолган тоғлар ётсираб, жимжит аёзда хўмрайганча қотиб турардилар.

Фақат ўша кунботар чоғида Узун Чот дараси бўйлаб осмоннинг узоқ шамолгоҳида, салладор булутлар қўйнида тутаб ётган Ола Мўнгу муз довони сари ўтиб бораётган оғир вертолётнинг гулдираган овози дам сайин яқинлашиб, кучайгандан кучайиб борар ва ниҳоят, атроф-тумонат, товуш ҳамда ёруғликдан бўлак ҳеч нарса етиб боролмайдиган чўққилар, тизмалар, мангу кўк музликларни тамом ўз ҳукмига олди. Тоғу тошларга урилиб, аввалгисидан яна бешбадтар зўрайгандан зўрайган қалдироқ бошлар узра шунчалар аёвсиз даҳшат солар эдики, гўё яна озгина шундай давом этса, яна ўша ер қимирлаганидай... қиёмат-қойим қўпадигандай эди.

Ўзи шунга яқинлашиб ҳам қолди — вертолёт учиб ўтаркан, йўл устидаги шамоллар ялаб кетган тик қоя бағридан гулдуроснинг зўри туфайли тош уюмлари кўчиб ўрнидан қўзғалди-да, сўнг яна шу заҳоти худди қон қуюлгандай айланиб тўхтади. Худди шуни кутиб тургандай беқарор, муаллақ тошлар, бир неча оғир харсанг баланд учурумдан йўл-йўлакай чанг-тўзон кўтариб, шиддат ва сурон солиб қулади. Тоғ ёнбағрига етганда, улар худди замбаракнинг ўқидай қарсиллаб тушиб, ёрилиб, қизил тол ва қорағат буталарини ўпириб ўтиб, қор тўзонларини кўкка совурганча юксакдан осилиб турган қоя тагида, қуюқ бутазорлар билан тўсилган ўнгирда, икки қирғоғи яхлаган жилға бўйидаги бўри ини оғзида тўхтадилар.

Урғочи бўри Акбара тепадан қулаган тошлар ва қор уюмларидан чўчиб ўзини орқага олди, қоронғи ўнгир сари тисарилди, елкасидаги ёллари тиккайиб, кўзлари ғира-ширада ваҳшиёна ўт сочиб, қандай бало келмасин, унга қарши сапчишга ҳозирланиб турди. Лекин, у бекорга